

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДАГИ ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ҲОЛАТИНИ ИҚТИСОДИЙ- СТАТИСТИК ТАҲЛИЛИ

Абдужалилова Гузал Сайдиллаевна

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон миллий университети таянч
докторанти (PhD), Ўзбекистон Республикаси

Ўзбекистон саноати ривожланишининг асосий мақсади нафақат ушбу секторда ўсиш суръатларини оширишга интилиш, балки бой табиий ресурслар салоҳиятидан фойдаланиш орқали устувор тармоқлар ва ишлаб чиқаришни ривожлантириш, унинг замонавий таркибини шакллантириш, ташқи ва ички бозорда мамлакат саноати рақобатбардошлиги ва самарадорлигини ошириш учун чора-тадбирлар мажмуини шакллантиришдан иборат.

Тармоқнинг ривожланиши асосан мамлакат минтақаларида, жумладан, кичик ва ўрта шаҳарларда маҳаллий бозорни арzon ва сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш, иш ўринларини ташкил этиш ва бандликни ошириш, хусусан, аёлларни иш билан таъминлашда кучли омил бўлади.

Енгил ва озиқ-овқат саноати тармоқларида асосий таркибий ўзгаришлар мавжуд ишлаб чиқариш корхоналарини модернизация қилиш, замонавий технологиялар билан жиҳозлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини исроф бўлишига йўл қўймаслик мақсадида етиштирилган жойида, аксарият ҳолларда кичик корхоналарда қайта ишлашни йўлга қўйиш ва хомашёлардан оқилона фойдаланиш ҳисобланади.

Шунингдек, саноатни ривожланиши билан экологик муаммоларни бартараф этиш масалаларини ҳам ижобий ҳал этиб келинмоқда. Буни “саноат тармоқларида йўқотишларни камайтириш ва ресурсларни ишлатиш самарадорлигини ошириш бўйича «яшил иқтисодиёт»га ўтиш ва энергия тежамкорлигини таъминлаш дастури ҳамда электромобиллар ишлаб чиқариш ва улардан фойдаланишни рағбатлантириш тизимини яратиш” [1] вазифаси белгилаб берилгани билан изоҳлашимиз мумкин.

Саноат соҳасини ривожлантириш иқтисодиётни такомиллаштиришда тутган ўрнининг ниҳоят даражада кенглиги билан доимий равишда тадқиқотчи олимларнинг диққат марказида бўлган. Хусусан, мавзуу юзасидан хорижлик

олимлардан Ю.Родионов, Р.С.Портер, Д.Деверюкс, Б.Робертс, Р.Н.Нуреевлар илмий янгиликлар яратган бўлсалар, маҳаллий олимлардан Б.К.Фойибназаров, Ё.А.Абдуллаев, А.Абдуҳамидов, У.Мухитдинов, А.А.Ортыков, Б.Т.Салимов, Х.Ишбутаева, Ш.Низомова, Э.Х.Махмудов, М.Исоковлар бир қатор илмий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлишган.

Хусусан, А.Артиков “Ўзбекистонда саноатни ривожлантиришнинг қатор имкониятлари, географик ва иқтисодий омиллари”га [10], Б.Т.Салимов “Саноат маҳсулоти ишлаб чиқаришнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари”га[7], М.П.Нарзиқулов “Саноатни ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш жараёнида асосий эътибор таркибий ўзгаришларга қаратилганлиги”га [9], Э.Х.Махмудов “Саноат тармоқлари ривожланишига шароит яратишининг стратегик йуналишлари биринчи навбатда бюджет, солик, пул кредит, нарх ва валюта сиёсати каби воситаларни қамраб олган қулай макроиқтисодий мухитни яратиш”га [8] боғлиқликларига алоҳида тўхталиб ўтишган.

Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, қиёсий ва динамик таҳлил, монографик таҳлил, статистик гуруҳлаш, иқтисодий индекслар, вақтли қаторлар, вариация кўрсаткичлари, статистик жадвал ва графиклар, анкета, эксперт баҳолаш, эконометрик таҳлил ва прогнозлаш каби усувлар қўлланилган.

Ўзбекистон саноат мажмуида қайта ишлаш тармоқларини ривожлантириш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятининг иқтисодиётдаги улушкини ошириш учун ишлаб чиқилган дастурлар самараси ҳамда жаҳон бозорида саноат маҳсулотларига, жумладан, озиқ-овқат, енгил ва машинасозлик саноатлари маҳсулотларига бўлган талабнинг ошиши пиравард – натижада саноат ишлаб чиқаришининг қўшимча ўсишига олиб келди [2].

ЯИМнинг ўсиш динамикасини ҳудудлар кесимида таҳлил қилиш орқали ҳудудларнинг иқтисодий салоҳиятига статистик баҳо берамиз (1-жадвал).

1-жадвал. Ўзбекистонда ЯИМнинг худудлар кесимида ўсиши, %да.

Худудлар	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022
Ўзбекистон	103,8	107,0	107,1	107,2	102,0	107,4	105,7
Қорақалпоғистон	89,7	106,9	112,5	110,5	102,0	107,6	104,0
Андижон	102,8	110,2	109,2	103,4	102,7	104,8	108,6
Бухоро	104,2	109,9	110,0	108,5	102,8	106,5	104,4
Жиззах	104,2	108,3	109,2	108,3	104,8	107,7	104,7
Қашқадарё	99,0	108,0	103,1	106,6	102,7	106,8	105,6
Навоий	103,2	102,2	103,9	103,8	106,6	107,3	105,5
Наманган	108,0	107,0	110,3	107,7	105,1	109,7	106,6
Самарқанд	104,6	106,1	110,7	108,4	101,8	108,5	105,8
Сурхондарё	105,5	105,5	110,9	107,3	104,4	107,9	104,0
Сирдарё	102,6	111,1	108,3	107,1	101,8	109,0	105,0
Тошкент	110,9	103,8	108,8	105,9	102,9	110,4	105,1
Фарғона	106,1	106,5	106,7	107,3	104,8	108,2	104,6
Хоразм	94,8	103,4	106,6	109,0	101,3	108,1	105,7
Тошкент ш.	104,5	106,6	111,9	109,2	102,4	116,0	107,9

Ушбу жадвалдан кўриниб турибдики, 2000 йилда ЯИМнинг ўсиш суръати Тошкент вилояти(110,9%), Наманган(108,0%) ва Фарғона(106,1%) вилоятларига тўғри келган бўлса, 2022 йилда Андижон(108,6%), Тошкент шаҳри(107,9%) ҳамда Наманган(106,6%) вилоятларига тўғри келган.

Юқоридаги жадвалдаги кўрсаткични аҳоли жон бошига ЯИМнинг ўсиш суръатлари орқали янада объектив баҳолашимиз мумкин бўлади(2-жадвал).

**2-жадвал. Ўзбекистонда аҳоли жон бошига ЯИМ ўсиши динамикаси,
%да.**

Худудлар	2000	2005	2010	2015	2020	2021	2022
Ўзбекистон	102,4	105,7	104,1	105,4	100,1	105,3	103,5
Қорақалпоғистон	88,2	106,5	110,3	108,8	100,6	106,2	102,6
Андижон	101,3	108,7	105,6	101,5	100,7	102,8	106,4
Бухоро	102,9	108,6	106,9	106,7	101,4	105,1	102,8
Жиззах	102,5	107,3	105,9	106,2	102,6	105,4	102,4
Қашқадарё	96,9	106,1	100,0	104,2	100,8	104,7	103,4

**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

Date: 1st May, 2023


ISSN: 2835-3196

Website: econferenceseries.com

Навоий	102,1	101,7	101,8	102,3	104,8	105,3	103,4
Наманган	106,3	105,5	106,4	105,6	103,0	107,5	104,3
Самарқанд	103,0	104,6	107,1	106,3	99,9	106,4	103,6
Сурхондарё	103,5	103,8	107,3	104,9	102,2	105,7	101,6
Сирдарё	101,4	110,4	106,5	105,3	100,0	107,0	102,9
Тошкент	109,9	103,0	106,9	104,6	101,9	111,7	103,3
Фарғона	104,7	105,0	103,2	105,4	102,9	106,2	102,5
Хоразм	93,0	101,8	104,2	107,0	99,7	106,5	103,9
Тошкент ш.	104,6	106,4	109,6	108,3	98,5	108,7	104,6

Ушбу жадвалдан қўриниб турибдики, 2000 йилда ЯИМнинг аҳоли жон бошига ўсиш суръати Тошкент вилояти(109,9%), Наманган(106,3%) ва Фарғона(104,7%) вилоятларига тўғри келган бўлса, 2022 йилда Андижон(106,4%), Тошкент шаҳри(104,6%) ҳамда Наманган(104,3%) вилоятларига тўғри келган.

Шунингдек, иқтисодиёт ривожланишида экспорtnинг юқсак ўрни туфайли, унда саноатнинг улушини ошириш чоралари ҳам назарда тутилмоқда. Хусусан, экспортчи корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини фаол давом эттириш орқали республика экспорт салоҳиятини ошириш ҳамда мавжуд имкониятларни тўлиқ ишга соглан ҳолда маҳаллий саноат тармоқлари экспорт салоҳиятини янада ривожлантириш” [3] чора-тадбирлари ишлаб чиқилган.



1-расм. ЯИМни иқтисодий фаолият турлари бўйича ўсиши, %да [11].

Юқоридаги расмдан, 2000 йилда ЯИМ(103,8%), ялпи қўшилган қиймат(103,8%), қишлоқ хўжалиги(103,2%), саноат(101,3%) ва хизматларнинг(105,4%) ўсиш даражаси ўтган йилга нисбатан ижобий бўлган ҳамда 2022 йилда ҳам ушбу кўрсаткичлар барқарор ўсиш динамикасини сақлаб қолганҳамда ўтган даврларда хизматлар етакчи ўринларни эгаллаган. Ўзбекистон Республикасининг сўнгти йилларда эришган макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қиласар эканмиз, бу борадаги энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда унинг роли сезиларли даражада ошганида намоён бўлмоқда 2010 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қарийб 52,5%и иқтисодиётнинг фаол ривожланиб бораётган ушбу сектори улушкига тўғри келган бўлса, 2017 йилда бу кўрсаткич 53,3%ни ташкил этди. 2022 йилда эса уни 51,8 %га teng бўлди.

Мамлакат иқтисодиётида кичик бизнеснинг ўрнини ҳисобга олган ҳолда “тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш ва доимий даромад манбаларини шакллантириш учун шароитлар яратиш, хусусий секторнинг Ялпи ички маҳсулотдаги улушини 80 фоизга ва экспортдаги улушини 60 фоизга етказиш билан бирга худудларда 200 та янги саноат зоналарини ташкил этиш ва бизнес-инкубаторлар тизимини ривожлантириш, шароити оғир бўлган туманларда тадбиркорликни ривожлантириш учун янада қулай шарт-шароитлар яратиш” [4] ишлари амалга ошириш белгилаб берилмоқда.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш тузилмасига эътиборни қаратсак, мустақилликнинг ўтган даврида ёқилғи-энергетика, металургия, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш тармоқлари юқори суръатлар билан ўсаётганини кўришимиз мумкин.

Машинасозлик, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш саноати ҳамда енгил саноатнинг йирик тармоқлари: ип йигирув ва тўқимачилик саноати сезиларли даражада, доимий юқори кўрсаткичларда ривожланишини таъминлашга қаратилган иқтисодий ислоҳотларни тизимли равишда кенгайтириш, келгуси давр саноат мажмуидаги таркибий ўзгаришларнинг муҳим устувор йўналишлари ҳисобланади.

Таҳлил маълумотлари шундан далолат бермоқдаки, ўтган давр мобайнида саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида тармоқнинг мамлақат иқтисодиётидаги улушки, маҳсулот ишлаб чиқариш салоҳияти сезиларли

даражада ошди. Лекин ҳали мамлакатимиз саноати ривожланиши учун мавжуд имкониятлардан түлиқ фойдаланиляпти, деб бўлмайди. Бу жараён қуидаги омиллар билан боғлиқ: айрим саноат корхоналарида мавжуд капиталнинг моддий ва маънавий жиҳатдан эскирганлиги; айримларида моддий хом ашё ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини паст даражада эканлиги, кўп ҳолларда саноат корхоналарининг ички бозор учун маҳсулот ишлаб чиқараётганлиги ва хоказолар.

Ушбу муаммолар саноатда таркибий инвестицион сиёsatни янада такомиллаштириш юзасидан аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқиши талаб этади. Шу билан бирга мамлакат саноатининг барқарор ривожланишини таъминловчи қуидаги йўналишларни таклиф этамиш:

саноат тармоғини барқарор ривожлантириш, унинг етакчи соҳаларини молиявий таъминлаш учун тўғридан тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш механизмини такомиллаштириш;

саноат соҳасига замонавий турдаги ва экспортбоп маҳсулотлар ишлаб чиқаришга имкон берадиган янги технологияларни киритиш;

саноат тармоғини унга хизмат кўрсатувчи инфратузилмалар билан алоқаларини такомиллаштириш;

хорижий тажрибаларга асосланган ҳолда маҳсулотлар сотиш тизимини такомиллаштириш учун маркетингдан кенгроқ фойдаланиш;

инвестицион ишлаб чиқаришни ривожлантириш, кенг кўламли эҳтиёжларни қондиришга қаратилган, илмий асосланган лойиҳалар ишлаб чиқиш;

корхоналарда инновацион салоҳиятни такомиллаштириш, илм ва юқори технология талаб қиласиган янги корхоналар ташкил этиш ва импорт маҳсулотлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш;

тармоқда ишлаётган ишловчиларнинг доимий равишда малакаларини ошириб бориш ва бошқалар.

Саноат ривожланишини таъминлашда иқтисодий механизмлардан самарали фойдаланиш минтақалар миқёсида саноат ишлаб чиқарувчилари учун қулай макроиқтисодий муҳит шаклланишига олиб келади.

Бундан ташқари, мамлакатимиз келажагида **биринчидан**, енгил саноат тармоқларини ривожлантириш учун корхоналарнинг вилоятларда оқилона жойлашувига алоҳида эътибор қаратилса, муҳим иқтисодий ва ижтимоий масала ижобий ҳал қилинган бўларди.

Иккинчидан, саноатдаги таркибий ўзгаришлар натижасида унинг хом ашё етиширишдан иборат бир томонлама ишлаб чиқаришга мослашувига чек кўйиб, тармоқлар таркибидаги номутаносибликларга барҳам бериш ҳамда тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни юқори даражага кўтариб, аҳолининг уларга бўлган истеъмол талабини тўлароқ қондиришга имконият яратиш лозим.

Учинчидан, саноатда янги технологияларга таянган ҳолда жаҳон бозори талабларига мос келувчи, истеъмол учун тайёр, сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришга ўтиш орқали республикамизда валюта тушумининг ўсишига эришиш зарур.

Юқоридаги таҳлиллар ва улар асосида шакллантирилган тавсиялар худудий саноатнинг тармоқ таркибини ўзида акс эттириб, улар ўзида худуд саноати ривожланишининг хусусиятларини ҳудудий жиҳатдан тўлиқ очиб бера олмайди. Шуни ҳисобга олган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасида саноат ишлаб чиқаришининг ривожланишини ҳудудни ташкил этувчи алоҳида худудий бирликлар доирасида ҳам ўрганилди.

Бугунги кунда долзарб масалалардан бири сифатида эътироф этиш жоизки, мамлакатимизда амалга оширилаётган таркибий ўзгаришлар жараённида иқтисодиёт тармоқларининг шаклланиш ва ривожланиш хусусиятлари, ушбу соҳалар ривожланишининг ўзига хос жиҳатларини ўрганиш, минтақаларда иқтисодиётнинг янги, истиқболли тармоқлари ривожланишининг аҳолини ижтимоий ҳолатига таъсирини баҳолаш, минтақалар худудий иқтисодиётида ноанъанавий бизнес шаклларининг ривожланиш ҳолатини ўрганиш, минтақаларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш ҳисобига худудларни барқарор ривожлантиришга эришиш, аҳоли бандлигини устивор таъминлашга эришиш, барча мавжуд ресурслар салоҳиятидан оқилона фойдаланишни таъминлаш – иқтисодиётни ривожлантиришда устивор йўналишлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг Ҳаракат стратегиясида вилоят, туман ва шаҳарларни комплекс ва мутоносиб ижтимоий-иктисодий ривожлантириш, уларнинг мавжуд салоҳиятидан самарали ва оптимал фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни, "... худудлар иқтисодиётини модернизация ва диверсификация қилиш кўламини кенгайтириш, ривожланиш даражаси нисбатан паст бўлган туман

ва шаҳарларни, энг аввало, саноат ва экспорт салоҳиятини ошириш йўли билан жадал ривожлантириш ҳисобига минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражасидаги фарқларни камайтириш, янги саноат корхоналари ва сервис марказларини ташкил этиш, кичик саноат зоналарини ташкил қилиш, йирик хўжалик бирлашмаларининг маблағларини, банкларнинг кредитларини ва хусусий хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига кичик шаҳарлар ва шаҳарчаларни жадал ривожлантириш, саноат ва хизматлар кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ҳисобига субвенцияга қарам туман ва шаҳарларни камайтириш ва маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш, саноат корхоналари ва бошқа ишлаб чиқариш объектларини жойлаштиришга қулай шарт-шароитлар яратиш, хусусий тадбиркорликни кенг ривожлантириш ҳамда ахолининг турмуш шароитини яхшилаш мақсадида худудларнинг ишлаб чиқариш, муҳандис-коммуникация ва ижтимоий инфратузилма тармоқларини янада ривожлантириш ва модернизация қилиш” [5] ҳолатини тахлил этиш ва баҳолашга алоҳида эътибор қаратилган.

Шунингдек мамлакатимиз раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида ҳам “Қорақалпоғистон Республикасини комплекс ривожлантириш кўп жиҳатдан келажакда ёқилғи ва йирик минерал хом-ашё, чекланган сув ва ер заҳираларидан, минтақа рақобатбардошлиқ афзаликларидан самарали фойдаланиш йўлларини аниқ белгилаб олишни талаб қиласди. Минтақадаги мавжуд салоҳият, Орол денгизи инқизози, чўллашув жараёни, иқлимининг ўзгариши комплекс ривожланишига, айниқса аҳоли турмуш даражасига таъсирини ўз вақтида аниқлаш ва унинг олдини олиш, инсон хавфсизлигини таъминлаш муҳим долзарб вазифалар қаторига киритиш мумкин [6]” деб таъкидлаб ўтдилар.

Саноатни модернизациялаш бўйича тармоқ дастурларини ишлаб чиқиш, шу асно корхоналарнинг замонавий технологияларга бўлган талабини рағбатлантиришнинг молиявий ва номолиявий механизмларини жорий этиш, миллий иқтисодиётнинг жаҳон миқиёсидаги рақобатбардошлигини ошириш, инновацион ва билимлар иқтисодиётига босқичма-босқич ўтишга шароитлар яратиш, шунингдек, аҳоли турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш учун қуйидагиларни эътиборда тутиш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- 1) модернизациялаш ва техник қайта қуроллантириш дастурларини ишлаб чиқишида уларга эскирган жиҳозларни босқичма-босқич муомаладан чиқариб бориш бўйича чора-тадбир ва талабларнинг киритилишини таъминлаш;
- 2) корхоналарда эскирган техника ва технологик линияларнинг мавжудлиги бўйича инвентаризация ўтказилиб, уларни босқичма-босқич чиқариб бориш юзасидан мониторинг ташкил этиш зарур;
- 3) корхона ишлаб чиқариш фаолиятига янги асбоб-ускуналар ва техник жиҳозларни муайян даврда қиймати жиҳатидан бир текисда ҳамда асбоб-ускуналарнинг технологик жиҳатидан жараёнлар узвийлиги ва изчиллигини ҳисобга олган ҳолда киритилишини таъминлаш;
- 4) маҳсулот ва хизматлар ассортиментини кенгайтириш вазифасига алоҳида эътибор қаратиш;
- 5) корхона асосий воситалари таркибидаги мақбул нисбатларнинг сақланишини таъминлаш зарур.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. lex.uz.
2. Э.Х. Махмудов, А. Ортиков, Ф. Каримов. Корхона - иқтисодиётнинг асосий бўғини. /Ҳамкор. 07.02.2010 й.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. lex.uz.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги Фармони. lex.uz.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. (Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда)
6. <https://m.kun.uz/news/2018/12/28/prezident-murojaatnomasi-toliq-matn>
7. Салимов Б.Т. Саноат маҳсулоти ишлаб чиқарishнинг ҳудудлар бўйича қиёсий таҳлили ва уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари.

**Proceedings of International Conference on Educational Discoveries and Humanities
Hosted online from Plano, Texas, USA.**

Date: 1st May, 2023

ISSN: 2835-3196

Website: econferenceseries.com

“Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 3, май-июнь, 2018 йил.

8.Махмудов Э.Х, Ортиков А., Каримов Ф. Корхона иқтисодиётнинг асосий бўғини. / Ҳамкор. 2010 йил 7 февраль.

9.Стратегия дальнейшего повышения конкурентоспособности национальной экономики: материалы. У-го Форума экономистов / отв.ред. М.П. Нарзикулов. Ташкент. Вакпа.Ргез /, 2012. С. 8.

10. Ортиков А.Саноат иқтисоди. Дарслик. Тошкент, ТДИУ, 2009. 236 б.

11. Stat.uz расмий сайт маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.